

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ҲУЖЖАТЛАР

УВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Президентнинг 2008 йил 24 октябрдаги ПФ-4045-сон Фармони билан қуйидаги ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

– Президентнинг 2005 йил 21 сентябрдаги ПК-186-сон қарори билан тасдиқланган Амал қилиш муддати чекланмасдан лицензиялар бериладиган лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатига;

– Президентнинг 2006 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-335-сон қарорига;


– Президентнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва пул маблағларини банк оборотига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-726-сон қарорига;

– Президентнинг 2008 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-872-сон қарорига.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар 2008 йил 22 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎРҚ-163-сон Қонунга мувофиқлаштирилди. Баъзи ҳужжатлар ўз кучини йўқотди.

БАНКЛАР ОРАСИДА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича



тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, шунингдек банк-молия хизматлари сифатини ошириш мақсадида Президентнинг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида» ПК-991-сон қарори қабул қилинди («СБХ»нинг 2008 йил 7 ноябрдаги 45 (745)-сонида чоп этилган).

Қарор билан Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш ҳамда унинг иштирокчиларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди, унда танлов ўтказиш, унинг голибларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби белгиланган. Танлов ҳар йили, январь ойида йил якунлари бўйича республика тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ўртасида ўтказилади. Унда республиканинг барча тижорат банклари ва уларнинг бўлин-

малари (филиаллар, мини-банклар, омонат ва махсус кассалар) иштирок этишлари мумкин. Йил якунлари бўйича рейтинг баҳолаши бўйича энг юқори балл олган иштирокчилар танлов голиблари деб топилдилар. Танловнинг совринли фонди танловда иштирок этадиган тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон банклари уюшмаси маблағлари ҳисобига шакллантирилади. Ҳар йиллик танловлар ўтказишни ташкиллаштириш учун ташкилий кўмита тузилади. Танлов ўтказиладиган йўналишлар аниқланган бўлиб, улар орасида: «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки»; «Қишлоқ жойлардаги аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки»; «Шаҳарлардаги аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши омонат/махсус кассаси» ва бошқалар бор (жами 6 йўналиш). Биринчи ўринни қўлга киритган иштирокчиларга диплом билан махсус соврин, иккинчи ва учинчи ўринни олган иштирокчиларга эса диплом билан рағбатлантирувчи соврин берилади.

ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ ОШИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 октябрдаги «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг таркибий корхоналарининг 2006 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисобланган дивидендларнинг бир қисмини устав сармоясига капиталлаштириш тўғрисида» 234-сон қарори билан 2006 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларига кўра оддий акциялар бўйича ҳисобланган 31 385,5 млн сўм, шу жумладан давлат улуши бўйича 23 192,9 млн сўм дивидендлар, ундан 15 549,9 сўм миқдоридagi қисмини «Ўзбекэнерго» ДАК ва унинг таркибий корхоналарининг устав сармоясига капиталлаштириш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди.

ҲИСОБГА ОЛИШ ВАКОЛАТЛАРНИ ТАН ОЛИШДИР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори билан Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ҳужжатга мувофиқ, доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик суди тегишли равишда доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ва муваққат ҳакамлик судини ҳисобга олиш тўғрисида хабарнома олгандан кейин ҳакамлик ишини кўришга киришадилар.

Ҳакамлик судларининг ҳисобини рўйхатдан ўтказиш уларнинг мақомини ва ваколатларини расман тасдиқлайди. Рўйхатдан ўтказиш маълумотларни махсус Реестрга киритиш ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш (ёки тегишли хабарнома юбориш) орқали амалга оширилади. Ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ҳисобини рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш учун бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида ҳакамлик

судининг жойлашган жойи бўйича адлия органига белгиланган шакл бўйича барча зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборади. Ташкилот тақдим қилинган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб беради. Ҳужжатлар зарур даражада расмийлаштирилмаган ёхуд тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим қилинган тақдирда адлия органи аниқланган камчиликларни ва аризачи тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда аризачига хабарнома юборади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга ошириш учун тўловлар ундирилмайди.

Суд фаолияти тугатилган, шунингдек ҳакамлик суди низомига ёки иш тартибига ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилган тақдирда юридик шахслар ўн иш куни мобайнида адлия органига тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Суд таркиби ўзгартирилган тақдирда ҳам хабарнома юборилиши керак. Агар адлия органи Реестрга қонунчиликда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳакамлик судьялари киритилганлигини аниқлаган тақдирда у номувофиқликни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома юборади.

Адлия органи тақдимномаси бажарилмаганда ҳакамлик судьялари Реестрдан чиқариб ташланади. Айни вақтнинг ўзида адлия органи бу тўғрида ваколатли судга ҳам хабарнома юборади.

Ҳукуматнинг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритилган. Хусусан, ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида давлат божи ставкаси белгиланди.

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КўРСАТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарори билан Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурда Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади: одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш, шунингдек озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш; уларга тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш; улар хавфсизлигини таъминлаш; қариндошлар билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш ва бошқалар.

Ҳужжат билан марказ тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тартибини белгилаб берувчи Низом тасдиқланди. Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилиши белгиланди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ КИРИТДИ


Конституциявий суднинг 2008 йил 15 октябрдаги қарори билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ боқувчининг ўлими муносабати билан зарар: вояга етмаганларга – ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар; ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга – ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча тўланади. Аммо, Меҳнат кодекси 192-моддасининг бешинчи қисмида ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртаринининг кундузги бўлимида ўқишни тугатгунга қадар, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган. Шундай қилиб, Ўзбекистон Меҳнат кодексига мувофиқ ўн саккиз ёшдан катта ва йигирма уч ёшга тўлмаган, ўқув юртининг кундузги бўлимида таҳсил олаётган шахслар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, ваҳоланки Фуқаролик кодексига асосан эса улар бундай ҳуқуққа эгадирлар. Фуқаролик кодекси 3-моддасининг иккинчи қисмига асосан бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари Фуқаролик кодексига мос бўлиши шарт.


Конституциявий суд Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг нормаларига риоя этилиши Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди. Шу сабабли Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар йигирма уч ёшга етгунга қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш лозим.

ҲИСОБОТЛАРГА ҚАЙТА ИШЛОВ БЕРИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 4 ноябрда 1500-1-



сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги



УШБУ СОЎНДА	1-2-бетлар	2-бет	3-4-бетлар	5-12-бетлар
	Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?	Бизнесингиз ривожда консалтинг ўрни	Маслаҳатни юристлар беради	Янги қонун ҳужжатлари
	\$1 = 1355,38 сўм	€1 = 1744,37	£1 = 2145,02 сўм	¥10 = 137,24 сўм

www.interpress.uz

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛАР, КИТОВЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовый • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

тел./факс: (99897) **119-0000**
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (2005 йил 29 июлдаги 1500-сон) ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, солиқ тўловчининг ҳисоботларига қайта ишлов бериш келиб тушган пайтидан то ҳисоботнинг ёки мулоҳазаларнинг бир нусхаси солиқ тўловчига берилиши пайтигача уч кундан ошмаган муддатда амалга оширилиши лозим (бундан аввал ҳисоботларга икки кундан ошмаган муддатда қайта ишлов берилиши мумкин эди).

2008 йил 14 ноябрдан кучга кирди.

РЕЖИМГА ДОИР ЎЗГАРТИШЛАР

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 27 октябрда 584-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низомга (1998 йил 14 декабрдаги 584-сон) ўзгартириш киритилди. Чунончи, товарлар ва транспорт воситаларини йўқ қилишга доир операцияларни амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган чиқинди ва қолдиқлар товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтадиган шахслар томонидан тегишли божхона режимида жойлаштирилиши кераклиги аниқлаштирилди. Бундай товарлар қўйилиши мумкин бўлмаган божхона режимларидан реэкспорт режими чиқариб ташланди. Чиқинди ва қолдиқларга нисбатан танланган божхона режими республиканинг божхона ҳудудига олиб кириладиган чет эл товарларига сингари қўлланади.

Шунингдек кўмиб ташланганлиги (чўктирилганлиги) ёки кўмилиши кераклиги сабабли улардан келгусида фойдаланилиши мумкин бўлмаган, йўқ қилишдан кейин қолган чиқинди ва қолдиқлар божхонада расмийлаштирилмаслиги белгиланган.

2008 йил 6 ноябрдан кучга кирди.

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 4 ноябрда 695-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низомга (1999

йил 8 апрелдаги 695-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, давлат фойдасига воз кечиш божхона режимида жойлаштирилган товарлар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ божхона органининг балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олиниши керак. Шахс воз кечган товарлар куйидаги тартибда тасарруф этилади: кам баҳоли тез эскирувчан материалларга кирувчи товарлар савдо ташкилотлари орқали реализация қилинади; асосий воситаларга кирувчи товарлар (транспорт воситаларидан ташқари) эса – Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг филиаллари орқали; транспорт воситалари эса кимовди савдолари ташкилотчилари орқали реализация қилинади.

Товарларни реализация қилиш учун жойлаштириш ҳақидаги қарорни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича ДБКБ, ихтисослаштирилган божхона мажмуаси бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс қабул қилади. Товарлар реализациясидан ҳисобрақамга тушган пул маблағлари бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича балансдан ташқари ҳисобварағига тегишли ёзув киритган ҳолда давлат бюджети даромадига 3 банк иш куни давомида ўтказилиши керак.

2008 йил 14 ноябрдан кучга кирди.

ПЕНСИЯЛАР ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2008 йил 5 ноябрда 1867-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 25 октябрдан 7 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 44-45-сонлари асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

Тадбиркорга ёрдам

БИЗНЕСИНГИЗ РИВОЖЛАНИШИДА КОНСАЛТИНГ ЁРДАМ БЕРАДИ

«Осиё-эксперт Консалт» компаниясининг бош директори Марина ВАНИНА республикада ишлаб турган фирмалар ва корхоналарда вужудга келадиган муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишда консалтинг хизматларининг роли тўғрисидаги ҳикояни давом эттиради.

– Бизнес оёққа туриб олиб, муайян муваффақиятларга эришганда ҳам иш давомида менежер ҳал қилиши лозим бўлган маълум бир муаммолар юзага келаверади. Улар компаниянинг фойдасини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва ҳоказолар зарурати билан боғлиқ. Бизнесни муваффақият билан ривожлантириш мазкур компанияда ишловчиларнинг касб-кор даражаси қандайлигига боғлиқ бўлади. Корхона барқарор равишда ишлаётганда штатда юқори малакали маслаҳатчи мутахассисларни тутиб туриш мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар меҳнатига ҳақ тўлаш учун катта харажатлар талаб қилинади. Тўсатдан юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун ходимларни кейин ўзлари ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиши учун ўқитишда тез ва самарали ёрдам бера оладиган мутахассисни тақлиф этиш эса энг оқилона ёндашувдир.

Мамлакатимиз бизнесини доимий ривожлантириш улар олдига тобора кўпроқ корхоналарни қайта ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни қайта таркиблаш ва шу сингари масалаларни қўймоқда. Баъзан малакали маслаҳатчиларнинг ёрдамисиз уларни ҳал этиш анча мушкул бўлади. Айни шу ерда тажрибали, «сув ости оқимлари»ни, муайян вазиятларда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни биладиган кишилар ёрдам бера оладилар.

Ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш аввало ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва фаолиятини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ. Айни инсон ресурсларини бошқариш каби консалтинг хизматларини ривожлантиришдаги янги йўналиш муаммоларни ҳал этишга самарали ёндашув ҳисобланади. Компания ходимларининг ишини қандай қилиб тўғри асослантириш мумкин? Қандай қилиб қўйилган мақсад ва вазифалардан ходимлар қандай касбий кўникмалар ва инсоний сифатларга эга бўлишлари кераклигини хатосиз аниқлаш мумкин? Ана шунда малакали маслаҳатчилар стратегик режаларни белгилашда, вазифаларни шакллантиришда, корхона тузилмасини ишлаб чиқишда, ходимларга нисбатан асосий талаблар ва мезонларни ажратишда ёрдам берадилар.

Бизнес жараёни яна бир жуда муҳим жиҳат ҳисобланади. Бизнес жараёнининг ўзи нима?

Бу – муайян ходим иш жойида бажарадиган корхонанинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ келадиган ҳар қандай ҳаракат. Қандай қилиб уларнинг самарадорлигини ошириш, ортиқча қоғозбозликка йўл қўймаслик, ижро устида назоратни кучайтириш ва, энг асосийси, барча манфаатдор ходимлар томонидан ахборот ўз вақтида олинишини йўлга қўйиш мумкин? Ҳозир электрон ҳужжат айланувидан борган сари кенг фойдаланилмоқда: корхонадаги замонавий менежмент тизими қоғоз ҳужжатларнинг ортиқча миқдорига йўл қўймаслик, бунда у ёки бу жараённинг манфаатдор шахслари билан доимий ҳамкорликда бўлиш имконини беради. Ахборот қарийб бир лаҳзада келиб тушади ва ҳар доим ким ўз мажбуриятларини қандай бажарётганлиги, у тўлиқ ҳажмда ёки йўқлиги, нималар қолиб кетганлиги, умуман қилинмаганлиги ва иш сифати қандайлигини кузатиш мумкин. Айни ахборот узатишда харажатлар ва вақтнинг қисқариши, яъни корхонада йўлга қўйилган ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланиш менежмент иши самарадорлигини оширишнинг, умуман компания фаолиятини мақбуллаштиришнинг асосий усуллари билан бирдир.

Консалтинг хизматларининг яна бир тур – бошқарув ҳисобини қўйиш. Корхона учун унинг роли қандай? У заиф бўғинларни, эҳтимол бўлган муаммоларни аниқлаш ва ундан ўзиб ишлаш учун зарур. Ушбу тизим ёрдамда ҳал қилиш мумкин бўлган биринчи навбатдаги вазифалар орасида: маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини шакллантириш, қўшимча харажатларнинг тўғри ҳисобини ташкил этиш, маҳсулот ассортиментини мақбуллаштириш ва ҳоказолар бор.

Ишини базўр юритаётган тадбиркорларнинг ўз бизнесларини мақбуллаштириш тўғрисида ўйлашга вақтлари ҳам йўқ. Муваффақиятли ишлаётган бизнесменларга эса консалтинг керак. Бугунги кунда бизнес муҳтида тақлиф қилинаётган консалтинг хизматлари маҳсулотни олға суришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ўзига хос ёндашувлар ва ғояларни ишлаб чиқишга имкон яратиши, шунингдек бизнеснинг янги чўққиларини ўзлаштиришда мустақам пойдеворга айланиши мумкин.

Фарҳод РАСУЛОВ
ёзиб олди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 11 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	928,16	1 Малайзия ринггити	383,31
1 Англия фунт стерлинги	2145,02	1 Польша злотийси	477,08
1 Дания кронаси	234,41	1 СДР	2014,35
1 БАА дирҳами	369,16	1 Туркия лираси	879,03
1 АҚШ доллари	1355,38	1 Швейцария франки	1155,09
1 Миср фунти	245,76	1 ЕВРО	1744,37
1 Исландия кронаси	10,48	10 Жанубий Корея вони	10,19
1 Канада доллари	1151,16	10 Япония иенаси	137,24
1 Хитой юани	198,66	1 Россия рубли	50,19
		1 Украина гривнаси	233,73

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	12.11.2008	1	0,8095	1	1,0179	1	0,0294
Арманистон	12.11.2008	1	305,23	1	382,97	1	11,08
Беларусь	13.11.2008	1	2132	1	2676,3	1	77,61
Грузия	12.11.2008	1	1,65	1	2,1033	1	0,0604
Қозоғистон	13.11.2008	1	120,05	1	150,63	1	4,36
Қирғизистон	8.11.2008	1	38,9566	1	50,3124	1	1,4476
Латвия	13.11.2008	1	0,558	1	0,702804	1	0,0203
Литва	13.11.2008	1	2,7396	1	3,4528	10	9,9691
Молдова	12.11.2008	1	10,3687	1	13,2077	1	0,3795
Тожикистон	12.11.2008	1	3,402	1	4,4083	10	1,269
Ўзбекистон	11.11.2008	1	1355,38	1	1744,37	1	50,19
Украина	12.11.2008	100	577,58	100	736,2412	10	2,1126
Эстония	12.11.2008	1	12,4719	1	15,6466	1	0,452807

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Бизнесингиз ривожланишида консалтинг ёрдам беради

– Валюталар курси 1-2-бетлар

• БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Қонуний асос мавжудми?
– Ёқилғининг ҳаракати

– Шартли имтиёзлар 3-бет

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Рухсат этилган доирада
– Рўйхатдан ўтиш учун ундан ўчиш ке-

рак

– Рўйхатдан ўтказиш қоидалари тўғрисида

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлашти-

риш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сон қарори);

– «Автомобилтранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идораий-меъёрий ҳужжат:

– ЎЗР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

маблаг билан таъминладиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 6 сентябрдан 10 октябргача бўлган маълумот.

5-12-бетлар

• БИЗНЕС-ПАНОРАМА

13-16-бетлар

ҚОНУНИЙ АСОС МАВЖУДМИ?



Қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар корхоналар ва ташкилотларнинг идоравий хизмат транспорти учун нефть маҳсулотларини, шунингдек биржа орқали мой, ун ва цемент маҳсулотларини харид қилишини тартибга солади?

Бухгалтер.

– Товар-хом ашё биржаларидаги очик биржа савдоларида **автотранспорт учун нефть маҳсулотларини (автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини)** харид қилиш тартиби Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон


қарорига 3-илова) билан тартибга солинади.

Товар-хом ашё биржаларида **цементни** реализация қилиш/харид қилиш АВ томонидан 2007 йил 2 майда 1677-сон билан рўйхатдан ўтказилган Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақида низомга мувофиқ амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004

йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 57-сон қарорига 2-иловада белгиланган рўйхатга мувофиқ автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, цемент ва бошқа ресурслар стратегик моддий-техника ресурслари ҳисобланади. Биржада ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун харид қилинган стратегик ресурслардан фақатгина белгиланган мақсадда фойдаланилиши керак, уларни қайта сотиш тақиқланади.

Ун товар-хом ашё биржаларидаги биржа савдоларида АВ томонидан 2005 йил 24 февралда 1453-сон билан рўйхатдан ўтказилган Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомда белгиланган тартибда сотилади.

Ўсимлик мойини биржа орқали реализация қилиш/харид қилиш АВ томонидан 2006 йил 24 августда 1617-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўсимлик ёғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.



ЁҚИЛҒИНИНГ ҲАРАКАТИ



«UzGazOil» билан тузилган шартномага мувофиқ талонлар бўйича олинган бензинни ҳисобдан чиқариш тартибини (проводкалар мисолида) тушунтириб берсангиз.

Р.Усмонов.

– ЁММга талонлардан фойдаланилганда уларнинг ҳисоби 1030-«Ёқилғи» ҳисобварағида юритилади (21-сон БҲМСга 2-илованинг 94-банди). Талонларни олиш ва ЁММни ҳисобдан чиқариш куйидаги тарзда амалга оширилади:

ЁММни ҳисобга олиш		
Ҳужалик операцияси номи	дебет	кредит
ЁММга ҳақ тўлаш	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Талонларни олиш	1030-«Ёқилғи»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
ҚҚСни ҳисобга олиш	4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
Йўл варақаларининг маълумотлари бўйича ЁММни ҳисобдан чиқариш	2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 9410-«Сотиш харажатлари» 9420-«Маъмурий харажатлар»	1030-«Ёқилғи»

• РЕКЛАМА



**TAKLOG
MULTICARGO
SPEDITION**

Мақбул нархлар бўйича сифатли халқаро юк ташишлар!



Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 45/1. Тел./факс + 998 71 2334299. E-mail: tashkent@taklog.com www.taklog.de

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ

Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-13-11

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

ШАРТЛИ ИМТИЁЗЛАР



Бизнинг кичик корхонамиз – ягона солиқ тўлови тўловчиси янги технологик ускунани импорт қилди. Мазкур ускуна умумбелгиланган солиқлар тўловчиси бўлган бошқа корхонанинг устав фондига улуш сифатида киритилмоқда.

Шу муносабат билан куйидагиларни тушунтириб беришингизни сўраймиз:

1. Корхонамиз учун мазкур ускуна бўйича божхона тўловларига доир имтиёзлар сақланиб қоладими?

2. Мазкур ускунани олган, янги ташкил этилган корхона Солиқ кодекси 269-моддаси биринчи қисмининг 16-банди ва иккинчи қисмининг 4-бандига асосан мол-мулк солиғи бўйича имтиёздан фойдалана оладими?

– 1. Солиқ кодексининг 211-моддаси ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонун (1997 йил 29 августдаги 470-1-сон) 33-моддасига мувофиқ божхона тўловларини (импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи, импорт божхона божи) тўлашдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган технологик ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса, озод этилади.

Бунда мазкур имтиёзларнинг амал қилиши фақатгина **импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар** олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида **экспортга реализация қилинган ёки текин берилган** тақдирда бекор қилинади (имтиёз қўлланилган бутун давр учун уларни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда).

СКнинг 199-моддасига мувофиқ мол-мулкни устав капиталига ҳисса сифатида қўшиш уларни реализация қилиш деб қаралади. Тегишинча, **ускунани устав капиталига ҳисса сифатида қўшиш** – реализация операцияси ҳисоб-

ланади, бироқ у **экспортга ишлаб чиқарилмаган**, шу боис олиб кирилган ускуналар бўйича **божхона тўловларига доир имтиёзлар** корхонангиз учун **сақлаб қолинади**.

2. СК 269-моддаси биринчи қисмининг 16-бандига мувофиқ ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик ускуналар беш йиллик муддатга мол-мулк солиғидан озод этилади. Бунда янги технологик ускуна деганда – эркин муомалага чиқариш божхона режимида божхона расмийлаштируви вақтида унинг ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан кўп бўлмаган технологик ускуна тушунилади (**ИБ, МВ, ТИАИСВ ва ДБКнинг АВ томонидан 2008 йил 3 майда 1802-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» қарорига илова**).

Бундан ташқари, янги ташкил этилаётган корхона сифатида у СК 269-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади.

Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2008 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги мулклар қўйилмоқда:

I. Хоразм вилоят хўжалик судининг 29.12.2007 йилдаги 22-0702/7592-сон ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, «Тайёрлов ва сотиш» МЧЖга тегишли бўлган, Урганч тумани Чолиш посёлқасида жойлашган куйидаги мулклар:

1. Қурилиш ости ер майдони – 2729,75 кв. метрни ташкил қилган, № 1-А омборхона, № 1-Б омборхона ва № 3 омборхона бинолари.

Бошланғич баҳоси – 157 605 108 сўм.

2. Умумий ер майдони – 19 425 кв. метр, шундан фойдали майдони – 1 840,61 кв. метрни ташкил қилган, № 2 омборхона, № 1 ёрдамчи бино, битта хонали қозонхона, 2 та хонали қоровулхона, № 1-2-Бостирмалар, асфальт майдони ва деворлари.

Бошланғич баҳоси – 64 658 958 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига куйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:

I. Хоразм вилоят хўжалик судининг 03.06.2008 йилдаги 1853-сон ва 26.06.2008 йилдаги 1950-сон ижро варақаларига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Урганчсувқурилишмонтаж» унитар корхонасига қарашли бўлган, Урганч шаҳар Ашхобод кўчаси 200-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони – 704,93 кв. метрни ташкил қилган 3 қаватли маъмурий бинонинг бошланғич баҳоси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда қайта қўйилади.

Жорий бошланғич баҳоси – 78 475 271 сўм.

II. Хоразм вилоят хўжалик судининг 2008 йил 21 июлдаги 3619-сон ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Марказий машина трактор парки» ДАЖга қарашли бўлган, Урганч тумани «Ж.Мангуберди» деҳқон фермерлар уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони – 1 902,35 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 691,4 кв. метрни ташкил қилган маъмурий бино ва омборхона биносининг бошланғич баҳоси 20 фоиз арзонлаштирилган ҳолда қайта қўйилади.

Жорий бошланғич баҳоси – 54 384 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили билан мулк жойлашган ташкилотнинг бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Савдо ташкилотчиси» – РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги куйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64. Лицензия: ДВ 001 №000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

РУХСАТ ЭТИЛГАН ДОИРАДА


? **Бизнинг офисимиз Тошкентда жойлашган. Ташкилотимизга бошқа шаҳарларда вакиллар зарур. Ҳатто агар ўз хизмат мажбуриятлари тақозосига кўра Тошкентга келиб-кейтиш зарурати бўлмаса-да, бундай ходимларни Тошкентда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш лозимми? Бундай шахсларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказмай ишга қабул қилиш тўғри бўладими?**

Кадрлар бўлими инспектори.

– Бошқа шаҳарларда яшайдиган шахсларни ишга қабул қилиш чоғида мансабдор шахсларнинг паспорт режимида риоя қилишлари учун масъул бўлган ички ишлар органлари ходимнинг транспорт бора оладиган ҳудудда яшашига эътибор берадилар. Бу ерда рейс транспортнинг мавжудлиги ва

ходимнинг ишга белгиланган иш вақтида келиши, ишдан сўнг эса уйига қайтиш реал имкониятига эгалиги энг муҳим жиҳатдир.

Агар бунда унинг лавозим мажбуриятларига Тошкентда яшашни талаб қилмайдиган фаолият кирса, бошқа олис шаҳарда яшайдиган ходим билан меҳнат шартномасини (ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномани) тузиш ҳам паспорт режимини бузиш ҳисобланмайди. Сизнинг ҳолатингизда худди шундай. Агар Андижонда яшайдиган, лавозим мажбуриятларига Андижон ҳудудида ташкилот манфаатларини ҳимоя қилиш кирадиган ходим ишга қабул қилинса, – ходим томонидан ҳам, ташкилот томонидан ҳам паспорт режими бузилмайди. Албатта, башарти у Андижонда вақтинчалик ёки доимий рўйхатдан ўтказилган бўлса.



РЎЙХАТДАН ЎТИШ УЧУН УНДАН ЎЧИШ КЕРАК

? **Қуйидаги вазиятга ойдинлик киритсангиз. Менинг қизим Тошкент шаҳридаги коллежда ўқийди, ётоқхонада яшайди. Таҳсил вақтида у ерда рўйхатдан ўтиши лозим. Коллеж раҳбарияти ундан Самарқанддаги рўйхатдан ўчишни талаб қилапти, фақат шундагина уни ётоқхонада вақтинча рўйхатга киритадилар, акс ҳолда ундан кўчириб юборадилар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган қатъий жавоб олмоқчи эдим. Кўп талабалар шунга ўхшаш вазиятга тушганига ишончим комил. Ҳурмат билан О.Ч.**

– Фуқароларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида Низом (Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-2240-сон Фармонида 1-илова, бундан кейин – Низом) ва Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома (АВ томонидан 1999 йил 9 апрелда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома) ҳисобланади.

Низомнинг 30-бандига кўра республика ҳудудидаги

бошқа жойга олти ойдан ортиқ вақтга вақтинчалик яшаш учун бораётган фуқаролар, хизмат сафарлари, ташкиллар, дала ҳовли, дам олиш ва даволанишга бораётганлардан ташқари, рўйхатдан чиқишлари ва вақтинчалик яшаш жойида рўйхатдан ўтишлари шарт. Йўриқноманинг 41-бандида ҳам худди шундай дейилган.

«Таътил тўғрисида»ги Қонуннинг (1997 йил 29 августдаги 464-1-сон) 20-моддасига мувофиқ ҳар бир ўқув муассасаси, шу жумладан сизнинг қизингиз ўқийдиган коллеж ҳам, талабани унинг барча таҳсил олиш вақтига ётоқхонада жой билан таъминлаши керак. Коллежларда ўқиш муддати одатда 3 йилни ташкил қилиши сабабли ўқувчилар бутун ўқув даврига рўйхатдан ўтказиладилар. Юқорида айтилганидек, олти ойдан кўп муддатга вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун эса ётоқхонада рўйхатдан ўтиш учун доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўчиш лозим.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул шахслар доирасига, Йўриқноманинг 79-бандига кўра, ётоқхоналарнинг маъмурияти ҳам киратилади, у эса паспорт тизими қоидалари бузилмаслигидан манфаатдор. Шунинг учун маъмурият доимий яшаш жойидаги рўйхатдан ўчмаган талабани ётоқхонадан кўчириш тўғрисида огоҳлантиради.

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

? **Менинг бувим Андижонда яшайди. Неварасининг туғилган кунига пойтахтга келиб, бу ерда 5 кун яшамоқчи. У ҳатто ана шу қисқа муддатга ички ишлар органларида вақтинчалик рўйхатдан ўтиши лозимми?**

Р.Ахметзянова.

– Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг* (АВ томонидан 1999 йил 9 апрелда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Йўриқнома) 47-бандига кўра бошқа жойга борган шахс келиш кунидан бошлаб уч кун ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтиши шарт. Ушбу Йўриқномада ҳам, Паспорт тизими тўғрисидаги Низомда ҳам (Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармонида 1-илова, бундан кейин – Низом) истиснолар назарда тутилмаган. Шу сабабли барча фуқаролар, қанча муддатга, ҳатто жуда қисқа бўлса ҳам, бошқа жойга боришларидан қатъи назар, уч кун ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтишлари шарт.

? **Танишим, Қозоғистон фуқароси, Ўзбекистондаги қариндошлари ҳузурига келди. Уч сутка мобайнида, Ўзбекистон паспорт режими талаб қилганидек, у вақтинчалик рўйхатдан ўтиш мақсадида ички ишлар органларига мурожаат қилди. Бироқ у ерда унга рад жавоби беришди (Қозоғистонга қайтиб кетишга бор-йўғи 7 кун қолган эди). Ўзбекистондан Қозоғистонга ўтишдаги постда чегарани кесиб ўтишда муаммо юзага келди, чунки у вақтинчалик рўйхатдан ўтказилмаган эди. Бунда ким айбдор? Кейинчалик бундай вазиятга тушмаслик учун нима қилиш мумкин?**


Т.З.

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиладиган шахслар рўйхатида МДХ иштирокчиси бўлган давлатларнинг фуқаролари ҳам келтирилган (Низомнинг 28-банди). Рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқаришни ички ишлар органи амалга оширади (Низомнинг 31-банди).

Низомнинг 32-бандига кўра МДХ иштирокчиси бўлган давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик яшаш учун ички ишлар органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

- белгиланган шаклдаги ариза;
 - паспорт ёки шахсни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат (зобитнинг шахсий гувоҳномаси);
 - давлат божи тўланганлиги тўғрисида қвитанция.
- Агар сиз Ўзбекистонга келган пайтингиздан бошлаб уч

кун мобайнида ички ишлар органларига юқорида кўрсатилган барча ҳужжатларни тақдим этган бўлсангиз, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун масъул мансабдор шахслар вақтинчалик рўйхатдан ўтказишдан бош тортишга ҳақли эмаслар. Бундан ташқари, фуқароларни рўйхатдан ўтказиш – ички ишлар органлари томонидан қонун билан белгиланган тартибда шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муайян яшаш жойида доимий ёки вақтинчалик яшаши далилини рўйхатдан ўтказишдир (Низомнинг 26-банди). Яъни вақтинчалик яшаш далилини тасдиқлаш учун вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш керак. Низомда ҳам, Йўриқномада ҳам уни рад этиш учун асослар мавжуд эмас. Йўриқноманинг 69-бандига кўра



паспорт режимини таъминлаш ички ишлар органларининг Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги меъёрларни бажаришга йўналтирилган фаолиятидир.

Чет эллик фуқаронинг Ўзбекистонга келган пайтдан бошлаб уч кун ўтгач вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаши эса мазкур чет эллик фуқаронинг паспорт режими ва Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузиши сифатида баҳоланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 225-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ бу энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборишга сабаб бўлади. Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллашга темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг чет элга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлимлари (бошқармалари)нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбо-

сарлари ҳақлидир (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 248-моддаси иккинчи қисмининг учинчи банди).

Кейинчалик бундай вазиятга тушмаслик учун нима қилиш мумкин? Бошқа зарур ҳужжатлар билан бирга ички ишлар органларига ариза топшираётганда уни икки нусхада тайёрланган ва ИИБ ходими барча ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида сизда қоладиган нусхага тилхат ёзиб, қабул қилиш санаси, ўз лавозими ва фамилиясини қайд этишини талаб қилинг. Ушбу нусхани ҳужжатлар ўз вақтида топширилганлиги далили сифатида сақланган ва, рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, уни ёзма расмийлаштиришни талаб қилинг. Фуқаролик процессуал кодекси (1997 йил 30 августдаги 477-1-сон Қонун билан тасдиқланган) иккинчи бўлимининг учинчи кичик бўлимига мувофиқ давлат органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар ва аризалар бўйича иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш мумкин. Ушбу туман прокуратурасига мурожаат қилиш самарали бўлади, чунки «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (1992 йил 9 декабрдаги 746-ХII-сон, янги таҳрири) 4-моддасининг иккинчи хатбошисига кўра прокуратура вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назоратни амалга оширади.

Шу тарихқа, мазкур вазиятда ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишнинг мумкин ва зарур, акс ҳолда сизга нисбатан жавобгарликка тортиш чоралари қўлланиши мумкин. Чунончи, агар сизда бундай ҳодиса маъмурий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида такрор содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмасиз (Жиноят кодексининг 224-моддаси).

? **«STROINT KFP» МЧЖ ишлаб чиқариш жараёнида корхонанинг штатидаги ходимлар бўлган, меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилган ишчилар банд. Ҳозирги вақтда корхонада Чирчиқ шаҳрида яшовчи ишчилар ишлашмоқда.**

Чирчиқ шаҳрининг Тошкентга яқин жойлашганлигини ва рейс транспорти мавжудлигини ҳисобга олиб, ишчилар корхонанинг иш жадвалига риоя этиш имкониятига эгалар, яъни улар ишга ўз вақтида келадилар, лекин пойтахтда қолмай, Чирчиқдаги уйларига қайтадилар. Корхона маъмурияти Чирчиқ шаҳрида доимий рўйхатда бўлган ходимларни ишга қабул қилиш масаласида тушунтириш беришингизни сўрайди.

«STROINT KFP» МЧЖ маъмурияти.

– Амалиётда яқин шаҳарларда, шу жумладан Чирчиқ шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказилган шахсларни ишга қабул қилиш амалиёти жуда кенг тарқалган. Ушбу ҳолда паспорт режими бузилмаган, чунки сиз пойтахтда кетма-кет уч кундан ортиқ яшамайдиган ходимни ишга қабул қилгансиз. Йўл чипталари, рейс транспортнинг мавжудлиги ва шаҳарлар орасидаги масофанинг озлиги далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жавобларни «Ногта» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сон қарори)»;

– «Автомобилтранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:

– ЎзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРДАН 10 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

СУДЛАР ВА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «СУД ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА» 2008 ЙИЛ 23 ИЮНДАГИ ПҚ-896-СОН ҚАРОРИ)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 42-сон, 420-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Жамғарма маблағлари уларни Ўзбекистон Республи-

каси Олий суди орқали ажратган ҳолда Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказига ҳам йўналтирилади»;

ўн иккинчи хатбоши ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 11 октябрь
224-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

